



2020 yil “20” fevral № 369

***Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2013 й., 15-сон, 197-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.12.2017 йилдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 1010-сонли қарори (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон; 16.02.2019 й., 09/19/136/2623-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2003 йилдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) Низом ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон туман ИИБ бошлиғининг 03.02.2020 йилдаги 51/183-сонли алоқа хати маълумот ва ижро учун учун қабул қилинсин;
2. Тумандаги юридик шахсларга тегишли автоматотранспорт воситалари 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 30 июнь кунига қадар, жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 31 август кунига қадар, ушбу қарорнинг 7-бандида кўрсатилган транспорт воситалар ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта, биринчи марта 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 30 июнь кунига қадар, иккинчи марта 2020 йил 1 сентябрдан 2020 йил 31 октябрь кунига қадар техник кўриқдан ўтказилсин;
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний

шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги, Субъектнинг транспорт воситаси техник ҳолатини текшириш хизматлари учун мазкур хизматни кўрсатадиган Субъект томонидан тасдиқланган, бироқ вилоят ҳокими томонидан вилоят молия бош бошқармалари билан келишган ҳолда белгиланадиган чекланган миқдорлардан ошмайдиган таърифлар бўйича ҳақ тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

4. Автомототранспорт воситаларининг йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

5. Комиссия таркибига киритилган масъул шахсларнинг ойлик иш ҳақи, мукофотлари 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 31 июлгача ва 2020 йил 1 сентябрдан 2020 йил 31 октябргача тўлиқ сақлансин;

6. Комиссия зиммасига:

Техник кўриқ давомида белгиланган жадвалга риоя қилиш, транспорт воситаларини техник кўриқка тайёргарлигини, керакли жиҳозларни етказиб берилишини, туман мудофаа ишлари бўлимида рўйхатда турувчи транспорт воситаларига барча ҳужжатларни расмийлаштирилганлигига, автотранспорт воситаларини техник паспортларини, таъмирга киргизиш рўйхатларини, ишга чиқиш ва қайтишни қайд этиш китобларини юритилганлигини текшириш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш вазифалари юклатилсин;

Техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

7. Тумандаги тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта, биринчи марта 2020 йил 1 мартдан 2020 йил 30 июнь кунига қадар, иккинчи марта 2020 йил 1 сентябрдан 2020 йил 31 октябрь кунига қадар техник кўриқдан ўтказилсин;

8. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига жадвалда кўрсатилган муддатга қадар

автомототранспорт воситаларини техник кўриқка тайёрлаш ва техник кўриқ комиссиясига тақдим этиш вазифаси топширилсин;

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 01 мартдаги “Автомотранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги 960-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

10. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

11. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев



Ўзбекистон туман ҳокимининг
“20” февраль 2020 йилдаги
369 - сонли қарорига
2-илова

Техник кўриқдан ўтказиш
Ж А Д В А Л И

Т.р	Автохўжаликлар номи	Кўриқ ўтказиладиган сана	Кўриқ ўтказиладиган жой
1	Қудаш Мурувват уйи	01.03.2020	Мурувват уйи
2	“Нефтгазминерал” шўъба корхонаси	03.03.2020	Аччикқўл
3	Кичик корхона ва фермер хўжаликлар	04.03.2020	Шўрсув
4	Шахсий улов эгалари	06.03.2020	ЙХХГ
5	КМК-559	07.03.2020	КМК-559
6	Водий шинам мебель	08.03.2020	ЙХХГ
7	Кичик корхона ва фермер хўжаликлар	9-11.03.2020	ЙХХГ
8	Давлат солиқ инспекцияси	14.03.2020	ДСИ
9	Кичик корхона ва фермер хўжаликлар	15.03.2020	ЙХХГ
10	Молия бўлими	16.03.2020	ЙХХГ
11	Коммунал хўжалиги	17.03.2020	Комхоз
12	Шахсий улов эгалари	18-20.03.2020	ЙХХГ
13	Яйпан почта алоқаси	21.03.2020	Яйпан почта
14	Яйпан инвест-юнон	22.03.2020	Тағоб
15	Агро банк ва инкассация	23.03.2020	Агро банк
16	Яйпан ДУК	24.03.2020	Сув хўжалиги
17	Шахсий улов эгалари	25-28.03.2020	ЙХХГ
18	Ўзбекистон ММТП АЖ	03.04.2020	ММТП
19	24-Автокорхона	04.04.2020	АБ-24

20	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	5-8.04.2020	ЙХХГ
21	М.К.Ватанпарвар	25.04.2020	Ватанпарвар
22	Тиббиёт бирлашмаси	26.04.2020	Т.М.Ш
23	5-сонли Автосаф	29.04.2020	5-сонли Автосаф
24	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	4.05.2020	ЙХХГ
25	Қишлоқ ва сув хўжалиги	5.05.2020	Сув хўжалиги
26	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	6.05.2020	ЙХХГ
27	Шўрсув тупроқ уни заводи	7.05.2020	ГПЗ
28	Яйпангаз	8.05.2020	Яйпангаз
29	Шахсий улов эгалари	10-11.05.2020	ЙХХГ
30	“Автохамкор Яйпан” МЧЖ	12.05.2020	Автохамкор Яйпан МЧЖ
31	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	15.05.2020	ЙХХГ
32	Шахсий улов эгалари	16.05.2020	ЙХХГ
33	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	17.05.2020	5-Автосаф
34	АЙБ	18.05.2020	АЙБ
35	Кичик корхона ва фермер хўжаликлари	19-20.05.2020	ЙХХГ
36	Strong auto kemping МЧЖ	23.05.2020	АБ-24
37	Пахта тозалаш заводи	24.05.2020	Пахта заводи
38	Цемент хом ашё	25.05.2020	Шўрсув
39	Бошқа ташкилотлар	26-30.05.2020	ЙХХГ
40	Белгиланган муддатларда техник кўриққа келмаганларни жалб қилиш ва кўриқдан ўтказиш	01.06.2020- 31.08.2020	ЙХХГ
41	Низомга асосан 2-марта кўриқдан ўтиши шарт бўлган техника воситалари	01.09.2020- 31.10.2020	ЙХХГ